

## ХАРИД ҚИЛИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА БЮДЖЕТ БУЮРТМАЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ИШТИРОКЧИЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

*Шукуров Бахтиёр Бутаевич*

*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти*

**Аннотация:** мазкур мақолада бюджет буюртмачиларида харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда иштирокчиларга қўйиладиган талаблар ёритилган.

**Калит сўзлар:** иштирокчилар қўйилган мезонлар, биргаликдаги давлат харидлари, харид комиссияси, давлат харидлари электрон тизими оператори.

---

Master's student of Banking and Finance Academy of Uzbekistan

**Annotation:** this article describes the mechanism of implementation of tenders in corporate structures, existing problems and issues of improving the organization of tenders.

**Keywords:** interpolated criterion, rapid comiciaci, state rapidlap, electronic system operator

Давлат харидлари – давлат буюртмачиларининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини пулли асосда таъминлаш жараёнидир<sup>1</sup>. Бизнинг фикримизча, давлат харидларига қуйидагича таъриф берилиши унинг миҳиятини кенгроқ очиб беради. Давлат харидлари – давлат буюртмачиларининг эҳтиёжлари учун зарур бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)ни белгиланган талаблар ва тартиб-таомиллар асосида сотиб олиш жараёнидир.

Давлат буюртмачилари иккита йирик гуруҳга бўлинади:

1) Бюджет буюртмачилари. Бюджет буюртмачилари деганда қуйидаги ташкилот ва муассасалар тушунилади:

- давлат органлари ва муассасалари;
- бюджет ташкилотлари;
- харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш учун йўналтириладиган бюджет маблағларини олувчилар;
- давлат мақсадли жамғармалари;

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонуни

– бюджет ташкилотларида ташкил этилган бошқа жамғармалар;

2) Корпоратив буюртмачилар. Корпоратив буюртмачиларга:

– давлат корхоналари;

– устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар;

– устав фондида (устав капиталида) давлат корхоналари ва устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахсларнинг улуши жами 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар киради.

Давлат харидлари давлат буюртмачилари фаолият кўрсатишлари учун зарур бўладиган товар (иш, хизмат)ларни маблағлардан тежамкорлик асосида, муқобил нарх ва сифатда сотиб олишларига хизмат қилади. Бу жараёни амалга оширишда олдиндан белгиланган талаблар, шартлар, тартиб-таомиллар мавжуд бўлиб, барча давлат буюртмачилари бу талабларга амал қилишлари шарт саналади.

Бюджет буюртмачилари харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда даъвогар, яъни иштирокчиларга нисбатан ҳам маълум бир талаблар белгиланган.

Иштирокчилар қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

- шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

- шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгаллик;

- солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

- ўзига нисбатан жорий этилган тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

Бюджет буюртмачилари зарур бўлганда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ўзига хос хоссаларидан ёки хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда иштирокчиларга қўшимча талаблар белгилашга ҳақли. Иштирокчиларга қўйиладиган қўшимча талаблар давлат харидларининг асосий принципларга зид бўлмаслиги керак. Давлат хариди тўғрисидаги ахборотда иштирокчиларга қўйиладиган қўшимча талаблар ушбу ахборот эълон қилинган пайтда кўрсатилган бўлиши керак. Иштирокчиларга қўшимча талаблар қўйиладиган давлат харидида иштирок этиш учун иштирокчилар дастлабки малака танловидан ўтади.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) биргаликдаги давлат харидларини шакллантириш икки ва ундан бюджет буюртмачилари давлат харидлари режа-жадвалларига кўра амалга оширилади.

Товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) биргаликдаги давлат

харидларини шакллантириш бир давлат дастурида ёки лойиҳалар портфелида иштирок этаётган бюджет буюртмачиларида амалга оширилади.

Харид комиссияси иштирокчиларга нисбатан таклифларнинг гаров, кафолат, закат тарзида ёхуд қонунчиликда назарда тутилган бошқа усулда таъминланиши зарурлиги тўғрисидаги талабни белгилашга ҳақли. Иштирокчиларга нисбатан таклифларнинг таъминланиши зарурлиги тарзидаги талаб барча иштирокчиларга тааллуқли бўлади ва давлат харидларининг шартларида кўрсатилади.

Харид комиссияси иштирокчиларга нисбатан таклифларнинг таъминланиши зарурлиги тарзида талаб белгилаган тақдирда, таклифлар юборилгунига қадар иштирокчи давлат буюртмачисига таъминотнинг мақбуллигини тасдиқлаш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Бюджет буюртмачилари бундай сўровга икки иш куни давомида жавоб беради.

Бюджет буюртмачилари таклифни таъминлаш суммаси тўланишини талаб қилмайди ва таъминлаш тўғрисидаги ҳужжатни бир иш куни давомида қайтаради ёки таклифни таъминлашнинг амал қилиш муддати тугаши; шартноманинг кучга кириши ва ушбу шартноманинг бажарилиши таъминланиши, агар бундай таъминлаш давлат хариди шартларида талаб этилса; давлат харидларининг бекор қилиниши; таклифларни юборишнинг охириги муддати тугагунига қадар таклифнинг чақириб олиниши воқеалардан бири юз берганидан кейин унинг қайтарилишини таъминлайди.

Харид қилиш тартиб-таомиллари амалга оширишда тижорат банкларининг давлат харидлари электрон тизимининг оператори билан ва давлат харидлари электрон тизими операторининг иштирокчи билан, шунингдек тижорат банкларининг ғолиб аниқлангунига қадар иштирокчилар билан музокаралар олиб боришига йўл қўйилмайди.

Иштирокчилар харид қилиш ҳужжатлари ва қўлланилаётган харид қилиш тартиб-таомили юзасидан тушунтиришлар олиш учун тижорат банкларига ёки у томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилотга мурожаат қилиши мумкин.

Бюджет буюртмачилари ёки у томонидан жалб этилган ихтисослашган ташкилот харид қилиш ҳужжатлари ва қўлланилаётган харид қилиш тартиб-таомили юзасидан тушунтириш бериш тўғрисида сўров олганидан кейин сўралган тушунтиришларни икки иш куни ичида тақдим этади.

Харид қилиш ҳужжатлари ва харид қилиш тартиб-таомили хусусида тушунтиришлар харид қилиш ҳужжатлари ва қўлланилаётган харид қилиш тартиб-таомили юзасидан тушунтириш бериш тўғрисидаги сўрови билан бир хил шаклда тақдим этилади.

Харид комиссияси ёки давлат харидлари электрон тизимининг оператори иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатади,

агар у тўғрисида Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса; унда солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса; ўзига нисбатан тўловга қобилиятсизлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса; иштирокчи харид қилиш ҳужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса; иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилнинг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса; иштирокчи рақобатга қарши ҳаракатларни содир этса ёки қонунчиликни бузган ҳолда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек аффилиланганлик ҳоллари аниқланса.

Харид комиссиясининг ёки давлат харидлари электрон тизими операторининг иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлатиш тўғрисидаги қарори ва бунинг сабаблари харид қилиш тартиб-таомиллари ҳақидаги ҳисоботга киритилади ҳамда улар ҳақида тегишли иштирокчига дарҳол хабар берилади.

Бюджет буюртмачилари ўтказилган харид қилиш тартиб-таомиллари яқунлари бўйича ғолиб бўлган таклифнинг акцепти тўғрисида қарор қабул қилади. Ғолиб бўлган таклифнинг акцепти давлат харидлари бекор қилинмаган бўлса; ғолиб бўлган таклифни юборган иштирокчи четлатилмаган бўлса ёки харид қилиш тартиб-таомиллари бузилмаган бўлса амалга оширилиши мумкин.

Бизнингча, харид қилиш тартиб-таомилларини амалга оширишда иштирокчиларга қулайлик яратиш ва савдоларни самарали ташкил этиш учун қуйидагиларни таъминлаш лозим:

1. Давлат харидларини тартибга солувчи тизимлаштирилган, ягона ва яхлит норматив-ҳуқуқий базани яратиш; давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини молия, бюджет, фуқаролик ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан мувофиқлаштириш;

2. Давлат харидларида манфаатлар тўқнашуви, аффилиланганлик ва рақобатни чеклашга олиб келадиган ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;

3. давлат харидлари субъектларига қулайликлар яратиш мақсадида товарлар (ишлар, хизматлар)нинг бошланғич нархини аниқлаш ва иштирокчиларнинг ишбилармонлик имиджини баҳолаш механизмларини жорий этиш;

4. Айрим турдаги товар (иш, хизмат)лар бўйича харид қилиш ҳужжатлари ва техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнларини соддалаштириш;

5. Давлат буюртмачилари томонидан харид қилиш ҳужжатларини шакллантиришда белгиланадиган асосий мезонларни қайта кўриб чиқиш, шу жумладан, рақобатни чекловчи талаблар киритилишини тақиқловчи нормаларни янада кучайтириш;

6. Харид комиссияси томонидан иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш тизимини тартибга солиш ҳамда харид комиссияси фаолиятини босқичма-босқич қисқартириш орқали инсон омилининг аралашувини сезиларли камайтиришга эришиш.

Юқоридагиларни амалга оширилиши, бюджет буюртмачилари томонидан амалга ошириладиган давлат харидларини ошкоралиги, шаффофлиги, холислиги ва самарадорлигини таъминлашга катта хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида” ги 684-Қонун 2021 йил 21 апрель
2. Ваҳобов А, Маликов Т. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма. Тошкент, “Iqtisod-moliya. 2008.
3. Ваҳобов АВ, Маликов ТС. Молия. Дарслик/Тошкент Молия институти. Тошкент: “Шарқ. 2010;804.
4. TS Malikov, O Olimjonov. Moliya - O 'quv qo 'llanma. T.: “Iqtisod-moliya, 2012
5. Malikov T, Haydarov N. Budget daromadlari va xarajatlari. O 'quv qo 'llanma, Toshkent: “IQTISOD-MOLIYA. 2007.
6. Urokov UY. QR Chinkulov Legal basis of improvement of public procurement in Uzbekistan. "International Finance and Accounting" magazine. 2017(8).
7. U Urokov. The importance of procurement models in the effective organization of public procurement.- IMRAS, 2023
8. Uchkun Urokov. Peculiarities of implementation of public procurement in uzbekistan through the agreement procedure. Journal of economics and business management. 2023
9. Urokov UY, Shodmonov E, Bobobekova D. Government procurement management. T.-2022.
10. Urokov UY. Issues of improving the public procurement system in Uzbekistan. TMI, December. 2014;13.
11. Urokov UY. Issues of increasing the volume of electronic purchases in the state procurement system. TMI, May. 2021;20.
12. Ўроқов У. Ўзбекистонда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш масалалари. 2014
13. Urokov UY. Public procurement system: yesterday and today. "Market, money and credit" magazine. 2018(8).
14. Ўроқов У. Улугбек Шарипжон Ўғли. Ҳадли келишув тартиб-таомили орқали давлат харидларини амалга ошириш тартиби. Science and Education. 2023.
15. О'роқов UY. Davlat xaridi. O'quv qo'llanma. T.: «Nihol print» OK. 2022.